
Сайловдаги янгиликлар

Ҳозирги кунларда юртимизда катта сиёсий жараён арафасида бўлиб бу йилги сайлов аввалги сайлов жараёнларидан ҳуқуқий-меъёрий асослари жиҳатдан тубдан фарқ қилади.

Яъни, 2019 йил 25 июнда 18 боб, 103 моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинган. Унда сайлов жараёнларини ташкиллаштириш ва ўтказишга доир 26 та меъёрий ҳужжатга ўзгартириш киритилган.

Ўзбекистон Республикасида сайловни ўтказишнинг асосий тамойиллари, кузатувчилар, сиёсий партиялар ваколатли вакиллари ва ОАВ вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловолди ташвиқоти ва овоз беришни ташкил этиш, ўтказиш каби муҳим жиҳатлар асослаб берилди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Бу йилги сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларга бефарқ эмаслигини яққол кўрсатмоқда. Сайловчилар номзодларнинг дастурлари билан танишиб, юрт равнақига дахлдор устувор масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини холис билдирмоқда.

Сайлов қонунчилигига биноан сиёсий партиялар адолат, тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик ва ошкоролик тамойилларига асосланиб, ўз номзодларини рўйхатдан ўтказиб, сайловолди тарғиботларини Кодексга биноан ўтказмоқда.

Сайловда иштирок этган номзодларнинг дастурларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалардаги муҳим устувор масалалар ва уларнинг ечими ўз таҳлилини топмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини кучайтириш, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, камбағаликни бартараф этиш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш, таълим, фан, санъат, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги ислохотларни янада мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик асосида аҳолининг фаровон турмуш-тарзини таъминлаш, ўз манфатларини ҳимоя қилган ҳолда дунё мамлакатлари билан халқаро муносабатларни яхшилаш масалалари номзодлар дастурида ўз аксини топмоқда.

Номзодлар сайловолди тарғиботи географик кўлами, сифати ва аудиторияси жиҳатидан ҳам аввалгилардан фарқ қилмоқда. Номзодлар, ҳудудларга бориб сайловчилар билан ўзаро мулоқотда уларни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганмоқда. Энг муҳими, янги Ўзбекистонда янгича сайловларнинг кўриниши яққол кўзга ташланмоқда. Сайлов ниҳоятда муҳим сиёсий жараён. Унда иштирок этиш ҳар бир онгли фуқаронинг бурчи. Бу жараённи кўтаринки кайфиятда ўтказиш, унда барча аҳоли қатламнинг фаол иштирокини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган, юрт равнақини ўз тақдири билан чамбарчас боғлаган, истиқболда юксак ва эзгу мақсадларни кўзлаб яшаётган халқимиз номзодлар дастурлари билан тўлиқ танишиб, танлаган номзодига овоз бериши мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, қайси ҳудудда овоз бериш эмас, шу юртга дахлдорлигини ҳис этиб, муносиб номзодга холис овоз беришдир лозимдир.

И.ИСАКОВ,

Бағдод тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари.

2023-06-09 18:42:39